

Жиноят ишлари бўйича  
Қашқадарё вилоят суди кассация инстанциясининг

А Ж Р И М И

2019 йил июнь ойининг 28 куни, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси Ф.Ниязовнинг раислигида, хайъат судьялари: Х.Бобоқулов ва Ш.Бахтиёровлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Райҳоновнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-**Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Ж.Муминов**, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Бойбиловнинг иштирокида, судланган [REDACTED] ўзига оид суд ҳукми устидан берган шикоятини жиноят иши билан биргаликда кўриб чиқиб,

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2018 йил 18 июндаги ҳукмига асосан:

[REDACTED] туғилган, ўзбек,

Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, [REDACTED] нафар фарзандлари бор, муқаддам: Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2015 йил 4 майдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари ва бошқа моддалари билан ЖКнинг 65-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинган, жиноят иши тугатилган, [REDACTED]

[REDACTED] фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, ушбу иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нуҳасини 2018 йил 12 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED]

[REDACTED] лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, хизмат мавқеидан фойдаланиб, “Одилона Реал Люкс” хусусий корхонаси раҳбари Расулов Эркиннинг ишончига кириб, 2007 йил 8 ноябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ҳал қилув қароридан белгиланган 103.866.000 сўмлик кредит қарздорлигини фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг кассация инстанцияси судида иштирок этиб, бекор қилиш бериш ва кредит қарздорлигини шартномада кўрсатилган график бўйича тўлаб боришга ёрдам қилишини айтиб, аслида мансаб ваколатига кирмайдиган ва амалга ошира

олмайдиган ишни бажариб беришини унга ваъда қилиб, уни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, эвазига Э.Расуловдан 1.500.000 сўм миқдорда пул талаб қилиб, 2018 йил 8 май куни [REDACTED] бўлимнинг маъмурий биноси рўпарасида Э.Расуловдан 1.500.000 сўмни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланган [REDACTED] шикоятда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан нотўғри квалификация қилинганини, унинг ҳаракатларини ЖК 168-моддасининг 1-қисмига квалификация қилишни ва енгиллик беришни сўраган.

Жабрланувчи Э.Расулов эътирозиди, шикоятга қўшилмаслигини билдирган.

Кассация инстанцияси суди, иш бўйича судья Ш.Бахтиёровнинг маърузасини, прокурор Ж.Муминовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, ҳимоячи-адвокат А.Бойбиловнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, суд ҳукми ўзгартиришни лозим топди.

Судланган [REDACTED] айби, ўзининг тўлиқ иқдорлик билдирган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, диктофон топшириш ва қабул қилиш ҳақидаги, пулларни кўздан кечириш, кимёвий ишлов бериш ҳамда ариза муаллифига пул ва диктофон топшириш ҳақидаги баённомалар, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, ўзаро суҳбат стенограммаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланиб, ўз исботини топган.

Биринчи инстанцияси суди ишни ҳар томонлама ва холисона текширган, иш бўйича тўпланган далилларга объектив баҳо берган ва [REDACTED] ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилган ва қилмишига мувофиқ меъёردа жазо тайинлаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига мувофиқ, мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 21-бандида, хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «в» банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши ҳақида тушунтириш берилган.

Судланган [REDACTED]

[REDACTED] ишлаб

келиб, лавозим мажбуриятларига кўра, банкдаги шартномавий – ҳуқуқий ва талабнома, даъво ишларини юритиш катнашиш, судларда ва бошқа идораларда банкнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, банкда меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқалар) ишлаб чиқишда қатнашиш, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш ва ҳуқуқий хулоса бериш, моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонунбузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар бериш, шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, банк раҳбарияти имзолаш учун тақдим этилаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қонунга мувофиқлигини текшириш ва уларни имзолаш ва бошқа юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколатларига эга бўлган.

Иш ҳолатларига кўра, судланган [ ] аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс бўлгани ҳолда, хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқаро Э.Расуловни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ҳал қилув қарорида белгиланган 103.866.000 сўмлик кредит қарздорлигини фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг кассация инстанцияси судида иштирок этиб, бекор қилиш бериш ва кредит қарздорлигини шартномада кўрсатилган график бўйича тўлаб боришга ёрдам қилишини айтиб, аслида мансаб ваколатига кирмайдиган ва амалга ошира олмайдиган ишни бажариб беришини унга ваъда қилиб, 1.500.000 сўмни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундай ҳолатда судланган [ ] шикоятдаги важларни асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди шикоятдаги важларни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490, 491, 496, 506 ва 509-моддаларига асосан кассация инстанцияси суди

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2018 йил 18 июндаги [ ] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Ф.Ниязов

Ҳайъат судьялари

Х.Бобоқулов

Ш.Бахтиёров

